



АМАЛИЙ САНЪАТНИ РИВОЖЛАНИШИДА УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАЛАРИНИНГ ЎРНИ

Абдуллаев Алимардон Хайдарович

Қўқон давлат педагогика институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5753504>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 20- Noyabr 2021
Ma'qullandi: 25- Noyabr 2021
Chop etildi: 30 - Noyabr 2021

KALIT SO'ZLAR

Нақш элементлари,
устоз-шогирд,
кулолчилик санъати,
кулолчилик мактаби,
сопол буюмлар, усталар
ижоди.

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада юртимизда қадимдан сайқалланган ажойиб маънавий бойликларни, улуғ олимларнинг ибратомуз фикрларини, амалий санъатни ривожланишида “устоз-шогирд” анъаналари асосида ҳунарманд усталарнинг меросини ўрганиш юзасидан таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармон ва 2025 йилгача Ўзбекистон саноатининг ривожланиши концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ишлаб чиқилган бўлиб, бунда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган, рақобатбардош, юқори

малакали кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтариш масаласи илгари сурулди [1].

Бугунги ривожланиш даврида миллий ҳунармандчиликка эътибор ортиб бораётган бир вақтда кулолчиликка ҳам эътиборни янада ошириб, уларнинг турфа хиллиги, чиройлилигини, харидоргир қилиб кўпайтиришга катта ҳисса қўшишимиз керак.

Агар ҳозирги замон ўзбек халқ амалий санъатига назар ташлайдиган бўлсак, халқ усталарининг эстетик дидини ифодаловчи маҳорати, тажрибасига таянган ҳолда яратаётган бадий



буюмлари тимлосида кўришимиз мумкин.

Аждодларимиз асрлар давомида яратган амалий безак санъатининг намуналарини қадрлаш, улардан амалий фойдаланиш, улар орқали ёшларнинг эстетик дидини ўстириш ҳамда юксак маданиятли кишилар қилиб тарбиялашда кенг фойдаланиш лозим.

Ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашда юртимизда қадимдан сайқалланган ажойиб маънавий бойликларни, улуғ олимларнинг ибратомуз фикрларини, “узтоз-шоғирд” анъаналари асосида ҳунарманд усталарнинг педагогик меросини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, ал-Хоразмий, Низомий Ганжавий, Хисрав Дехлавий, Алишер Навоий, Камолитдин Беҳзод, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби жаҳонга машҳур олим, шоир ва мусаввирлар, мутафаккирлар одамларни гўзалликка интилишга чиқарганлар. Бобомиз Амир Темури хунар ва илм эгалари, йирик мутахассис олимлар ёрдамига таяниб математика, геометрия, меъморчилик, астрономия, адабиёт, тилшунослик, тарих, мусиқа, тасвирий санъат ва хаттотлик каби соҳаларни ривожлантиришга катта аҳамият берди. Шаҳарларни ҳар томонлама кўркам, мухташам, чиройли ва улуғвор қилишга интилди. Жумладан, тош ҳамда ғиштлик йўллар, кенг, катта, равон кўчалар қурдирган. Бир-биридан маҳобатли бўлган бинолар солдирган. Буларнинг бунёдкорлари, ижодкорлари орасидан амалий санъат усталари ҳам асосий рол ўйнаганлар. Хоразмдаги тупроққалъа заллари маҳобатли

нақшлар билан безатилганлиги бизга тарихдан маълум. VI-VII асрларда қасрлар ва бойларнинг уйлари ҳам ўйма нақшлар ҳамда тасвирлар билан ўзига хос тарзда безатилган.

IX-X асрларда Ўрта Осиёда наққошлик санъати авж олиб ривожланди. Меъморчиликда ғишт қадаб нақш солиш юксак даражада тараққий этди. Биноларнинг ички томонларига ганч, ёғоч ўймакорлигини қўллаш ривож топди. Айниқса, мақбараларининг пештоқлари, девор ва равоқлари ганч нақшлар, терракота билан жуда нафис кўринишда безатилди.

XVIII асрнинг охири ва XIX асрда Қўқон, Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Хива ва Тошкент каби шаҳарларда етук халқ усталари етишиб чиқди. Мисгарлик, наққошлик, ганчкорлик, чилангарлик ва шу каби бошқа санъат турлари ривожланди. Қадимда хунар муқаддас саналган. Ҳар бир халқ келажак авлодларга ўзидан кейин қолдирган такрорланмас хунарлари билан қадрланган. Ўзбекистон ҳам қадимда уста хунармандлар маркази бўлган. Масалан, Самарқанд вилоятида Ургут, Фарғона вилоятида Қўқон, Марғилон, Наманган вилоятида Чуст хунармандчилик марказига айланган. Хунармандлар ўша даврларда маҳалларга бўлиниб яшаган. Масалан, XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Бухорода “бўйрачи” маҳалласи бўлган. Бўйрачи маҳалласида 120 та оила яшаган. Ҳар бир касбкорлик маҳалласида кўни-кўшнилар ўртасида ижобий маънода “рақобат” бўлган. Чунки, кимнинг маҳсулоти сифатли бўлса, халқ ўшанинг ишлаб чиқарган маҳсулотини сотиб олган. Шунинг учун



ҳар бир уста сифатли маҳсулот тайёрлашга интиланган, ҳар бир устанинг ўз растаси бўлган. Бозорларда одатда, бозор беги бўлган. У барча расталарга киритилган моллари кузатиб, уларга нарх белгилаб чиққандан кейингина савдо-сотиқ ишлари бошланар эди. Буларнинг барчаси замирида шарқона тарбиявий омил ётади. Сифатсиз маҳсулот ишлаган устанинг бозори касодга учраган.

Наққошлар ўтмишда халқ усталарининг энг билимдони ҳисобланган. Чунки, улар мадрасада тахсил олиб, адабиёт, тарих, муסיқа, математика, кимё фанларини яхши билганлар. Наққошлик технологияси авлоддан - авлодга ўтиб келган. Қадимда наққошлар нақш яратиш сир-асрорларини ёзиб қолдирмаганлар, улар бу сирларни фақатгина шогирдларига ўргатишини маъқул кўришган. Шогирдлари уста эса бўлганларидан сўнг, улар ҳам ўзларининг шогирдларига ўргатганлар. Шундай қилиб наққошлик санъати анъана тариқасида ривожланиб келган. Наққошлар шогирдликка ўз боласини ёки қариндош-уруғларининг болаларидан олганлар. Шогирдликка болалар 7-8 ёшдан олинган. Ўқиш-ўрганиш 7-12 йиллар атрофида бўлган. Устози шогирдлари билан кундуз куни ишлаган. Кечқурун эса устоз раҳбарлигида хат-саводини чиқарган. Шогирдлар геометрия ва кимёни ҳам ўрганганлар. Бошқача қилиб айтганда, тўлақонли таълимий ва тарбиявий жараён кетган. Шогирд мустақил иш бажара оладиган даражага етганидан кейин усталар унинг ишларини муҳокама қилишиб, у бунга лойиқ топилсагина “уста” номини беришган.

Наққошнинг ўғли ота касбини ёшлиқдан ўрганиб борган. Бу эса келажакда яхши ҳунарманд бўлишига замин яратган. Устада ўғил ёки умуман фарзанд бўлмаса, бу ҳолда у касбни энг яқин қариндошининг фарзандларига ўргатган. Хуллас, касбнинг авлоддан авлодга мерос қолиши анъана ҳолда ривожланиб келган.

Устага шогирдликка беришда қуйидаги урф-одатга риоя қилинган. Болани устанинг олдига олиб боришда ўзига яраша тантанали маросим бўлган. Боланинг ота-онаси ҳамда қариндош-уруғлари “бой” деган бўғирсоқ ва холвайтар қилиб, устанинг хузурига келганлар ва болани “гўшти сизники, суяги бизники” қабилда гаплар билан унинг ихтиёрига топширганлар. Келтирилган пишириқлар ўша пайтдаёқ биргаликда тановул қилинган. Уста болага ҳунар ўргатишдан ташқари, бутун ўқиш давомида уни озиқ-овқат билан таъминлаб турган. Касб ўргатиш текин олиб борилган. Буларнинг барчаси халқ амалий санъати миллий-амалий тарбиявий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Устоз шогирдга нафақат амалий санъатнинг сир-асрорларини ўргатган, балки ўз шогирдларининг дилига бир қатор инсоний сифатларини сингдириб бориб, касбий ва маънавий баркамол шахсни тарбиялашдек хайрли ишни ҳам бажариб борганлар. Шогирднинг шаклланиш жараёнида унга нисбатан қаттиққўл ва талабчан бўлган. Чунки, ҳар бир ҳунарни ўта нозик дид ва сабр-тоқат билангина ўрганиш мумкин. Усталар шогирдлари учун махсус одоб талабларини ишлаб чиққанлар. Масалан, улар шогирддан покизаликни,



иш вақтида чалғимасликни, эгри ва номақбул ишларга яқин йўламасликни, устоз рухсатисиз бирор ишга қўл урмасликни қатъий туриб талаб қилганлар. Шогирд санъат сирларини пухта эгаллаганидан сўнг унга оқ фотиҳа берилган. Маросимда шогирд устозга сарпо тақдим этган. Кўпинча устоз шогирдини мустақил иш бошлашига қийналмаслиги учун шу касбда ишлатиладиган асбоб-ускуналардан андозалар берган. Агар оқ фотиҳа олган баъзи бир шогирд ўзи мустақил ишлашни хоҳламаса, устоз қўл остида қолиб, у билан бирга ишлашни давом эттирган. Бундай ҳолларда эса шогирд устози билан ўзаро келишиб иш ҳақи олган[2].

. Ўзбек усталаридан бири ганч-ўймакор уста Усмон Икромовнинг ҳаёт йўли ибратлидир. Ёш Усмон уста Расул ҳожининг қўлида 8 йил ишлайди. Беш йилгача ҳафталик ҳақи 10 тийиндан ошмаган ҳар пайшанба куни Расул хожи шогирди қўлига 10 тийин берган. Усмон пулни олиб бозордан 10 тийинга 10-12 та нон, отаси ва икки синглисига егулик олиб борган. Олтинчи йилдан ўтганида иш ҳақи ҳафта ичида 50 тийинга, саккизинчи йилга ўтганда эса кундалик иш ҳақи 1 сўмга чиққан. Бу пайтда у иморат ишидаги оддий чўпгарликдан тортиб ғишт териш, сувоқ, ганч ўймакорлигигача мустақил бажара оладиган даражада бўлганди. Ниҳоят саккиз йил деганда Усмон Расул хождан оқ фотиҳа олиб, уста деган номга эга бўлади.

Бухородаги ҳамма усталарга ганч сотадиган бойлардан бири Абдуқодир бир куни уста Ҳайитни чиқариб янги уйни ганч билан безатмоқчилигини

айтади. Уста Ҳайит бу ишни 22 ёшли Ширин Муродовга топширади. Бу иш уста Ширин Муродовнинг биринчи мустақил иши бўлди. Ширин иш режасини меҳмонхона безакларини оддий бежирим нисбатларини сақлаган ҳолда бир бутун кўриниши ва бошқаларини ҳисобга олади. У меҳмонхона ва айвонларни шарафлар билан безайди, ундаги ўйма ганчлар жуда майин, бежирим чиққанлиги сабабли усталар орасида ҳурмат - обрўси яна ҳам ошади. Уста Ҳайит кунлардан бир куни Ширинни олдига чақириб: “Мен сендан хурсандман, энди мустақил ишлайверсанг бўлади”,- дейди. Азалий одат бўйича шогирдга 20-30 нафар усталар иштирокида “уста” номи берилганлиги эълон қилинади. Ширин Муродов шундан сўнг халқ орасида “уста” деган шарафли номга муяссар бўлади. Кейинчалик бу уста санъаткор Ўзбекистон маданиятининг дурдона намуналари сирасига кирувчи бир қатор маъмурий ва маданий-маънавий биноларни қуришда иштирок этган. Ўзбекистон халқ рассоми, ўзбекистон фанлар Академиясининг фахрий академиги унвонига сазовор бўлган. Унинг ҳаёт йўли ўқувчи ёшларга амалий санъат сирларини ўргатишда намуна бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек меъморлари яшаш учун ҳар жиҳатдан қулай, шинам, чироли уйлар қурганлар. Ўзбекистоннинг ҳовли-жойи тугал бир меъморий ансамблни ташкил этиб, ўзига хос шарқона фойзга эга бўлган. Бу уйларнинг бир-бирига узвий қилиб қурилиши ва безатилиши бир санъат даражасида бўлган. Ёғоч ўймакорлиги бўйича ишлаётган шогирд одатда устанинг уйида турган.



Шогирдга яхши ва пухта хунар ўргатиш учун уста аввал уни меҳнатга ўргатган ва шу хунарга табиий ҳолда қизиқишини оширган. Бунинг учун устоз шогирдларига уйдаги майда-чуйда ишларни ҳам буюрган. Кейин аста-секин устига асбоб-ускуналар олиб бериб туриш ёки ашёни тайёрлаш, кейинчалик эса эшик, устунларни ўрнатишга ўргатган, яъни уста шогирдига яшаш билан бирга хунар сирларини оддийдан мураккабга қараб ўргатиб борган. 3-4 йилдан сўнг уста яхши тажрибали шогирдларига 15-20 кун пул ишлаб келиши учун рухсат берган.

Шогирдга уста номини беришнинг ҳам ўзига хос урф-одатлари бўлган. Бу тантанали кеча шогирднинг ота-онасининг уйда ёки устанинг уйда ўтказилган. Кечада шогирднинг қариндошлари, устознинг қўлида ишлайдиган шогирдлари, усталар, муллалар қатнашган. Усталарнинг каттаси, оқсоқол, устакалон ёки унинг ёрдамчиси пойкор уста номини олаётган шогирднинг бошига салла ўраган, эгнига чопон кийгизиб, белига қийиқча боғлаган. Белбоққа арра ва теша қистириб қўйилган. Шундан сўнг шогирдни усталар ва дўстлари табриклаганлар. Кейин катта уста дастурхондан нонни олиб, кечанинг сабабчиси бўлган шогирдга қараб: “Қаерга борсанг ҳам ўзингни куйган кулчангни кўрсатгин”,- деб берган. Бундай урф-одатларнинг ҳар хил турлари бўлган. Баъзан эса бўлғувчи устага бирор уйни мустақил тарзда безаш топширилган, иш битганидан кейин усталар унинг ишини текшириб, баҳо берганлар. Агар усталарга маъқул тушсагина шогирдга “уста” деган унвон

берилган. Шундан сўнг устага бошқа шаҳарга бориб мустақил ишлашга рухсат этилган. Баъзи ёш усталар устозига “халта” бўлиб, унинг бошчилигида ишлаб юрган.

Оқсоқол сифатида шаҳардаги энг катта, тажрибали усталардан бирини тайинлашган. Агар оқсоқол бирор ноҳақ иш қилиб қўйса, унда бирор масжидга оқсоқолнинг ёрдамчиси ва ҳамма усталар йиғилиб, қайта оқсоқол сайланган. Бухорода эса оқсоқолни қайта сайлаш бошқачароқ бўлган. Усталар Бухоро хонига махсус ариза ёзганлар. Шундан сўнг Бухоро хонидан қайта сайланаётган оқсоқол учун сарпо ва махсус қарор, яъни ёрлиқ олинган. Халққа қарор ўқиб эшиттирилган ва оқсоқолга сарпо кийдирилган. Бухорода XIX аср охири ва XX аср бошларида дурадгорлар бошлиғи уста Ғулом, Ўратепада эса уста Карим Кажорбоши (уста Абдукарим Абдухолиқов) бўлган. Ўратепалик халқ усталарини юқори Зарафшон қишлоқларида масжид, мадраса, турар жой биноларини безаш учун таклиф этганлар. Улар наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик ва бошқа ишларни бажарган.

Усталар уюшмаси баъзи турар жойларга усталарни ишлашга юборган. Уларга иш ҳақи тариқасида ишлаган жойларда кийим, қўй, сигир, эчки, ер, пул берилар эди. Улар орасида ўзига хос мусобақа бўлган. Уларнинг ишлари кўргазма қилиниб, катта усталар орасида боҳоланган. Масалан, Ўратепанинг кўк Гумбаз маҳалласида Мавлоно Эшон мақбарасини икки ўйма эшигини бажариш учун уста Карим Хоррот ва Абдуқодир Хорротларга топширилади. Улар биттадан эшикни ўйиб беаганлар



ва уларники табақали эшиклари бир қанча катта усталар орасида баҳоланди. Уста Абдурашиднинг эшиги 70 олтин танга, уста Каримнинг 100 олтин танга билан баҳоланишининг сабаби шуки, эшикнинг юқори ярим доира қисми умумий нақш композицияси билан боғланган эди. Абдуқодир устанинг эшиги тепаси учли бўлиб, бино қурилиши композициясига мос келмаган. Баъзи усталар ўз ишига берилган баҳога нисбатан норозилик билдирганлар. Бундай ҳолатларда оқсоқол аралашиб, келишмовчиликни бартараф қилар эди[3].

1924 йилгача Ўрта Осиёда бошқа ҳунар турлари усталари каби зардўзлар жуда кўп бўлган. Масалан, Бухорода 300 дан 350 нафаргача зардўз усталар ишлаган. Ҳунармандлар ўрта аср ҳунар ширкатлари кўринишидаги махсус ташкилотга уюшган эдилар. Зардўзларнинг ишлари устидан назорат ўрнатувчи бу ташкилот ўзининг сайловчи маъмуриятига эга бўлиб, барча расм-русмлар, урф-одатларга изчил амал қилар, тантана ва йиғилишлар ўтказиб турар эди. Бухоро усталарининг зардўзлик касби отадан фарзандга мерос бўлиб келган. Асли зардўз бўлган оиланинг ўғил фарзанди отасидан зардўзликни ўрганиб, ўз навбатида у ўз боласига ўргатган. Ўғли бўлмаган оталар бу касбни энг яқин қариндошларига, уларнинг фарзандларига ўргатганлар. Касбнинг авлоддан авлодга мерос қолиши одатий ҳол бўлганига қарамай, зардўзлик ҳам бошқа касблар билан бир қатордан ўрин олган. Зардўзлик касбни ўргатиш учун 10-12ёш, айрим ҳоллардагина ундан каттароқ ёшдаги болалар ҳам жалб

этилган. Дастлабки пайтлардан шогирд уй юмушларига қарашган, устахонани супуриб-сидирган, сув ташиган, бозор-ўчар қилган, тикувчиларга ёрдам берган, онда-сонда иш орасида, унча-мунча қатим тортиб турган. Орадан бир йил ёки ундан сал кўпроқ муддат ўтгандагина унга тикиш сирлари ўргатила бошланган. Шогирдга маблағ тўлаш борасида маълум қоида бўлмаган ва ҳунар ўргатиш муддати ҳам чекланмаган. Таълим бериш 4 йилдан 7 йилгача давом этган. Бордию шогирд ўта қобилиятли чиқиб қолса, бундай малакали ишчисидан маҳрум бўлишни истамаган устоз 8-10 йилгача ҳам шогирдини сақлаган. Бундай пайтларда шогирд оқсоқолни ўртага солиб, устаси унга тезроқ рухсат беришини сўраган. Шогирднинг талаби ўринли бўлса, оқсоқол устадан шогирдига оқ фотиҳа ёки бўлмаса меҳнатига ҳақ тўлаши лозимлигини айтган. Албатта, шогирдга тўланадиган ҳақ халифаларга тўланадиган ҳақдан анча кам бўлган.

Буларнинг барчасидан чиқариладиган хулоса шуки, халқ амалий санъати унинг қайси турига тааллуқлигидан қатъий назар, ўзига хос тарбиявий аҳамият касб этган. Айни пайтда улар бир қатор умуминсонийлик билан бирга ўзига хос жиҳатларни ҳам мужассамлантирган.

Ҳар бир жамият ўзининг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий равнақи учун масъулиятни ҳис этадиган, ҳар томонлама баркамол инсонни тарбиялаб етказишдан манфаатдордир. Шу боис мамлакатимизнинг маънавий, маданий-маърифий ҳаётида бадий маданиятимизга, тарихий қадриятларимизга асосланиб жамиятни янгилаш ҳамда шу жамиятнинг фаол



қурувчисини бадий-эстетик жиҳатдан
тарбиялашга катта эътибор
қаратилмоқда

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Таълим ва тарбия тизими: ривожланишнинг янги босқичи муҳокама қилинди
<https://president.uz/ru/lists/view/3924>
2. Умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат фанининг узвийлигини таъминлаш концепцияси. Тошкент-2020.
3. А.С.Морозова, Н. В. Аведова, С.М.Махкамова. Ўзбекистон халқ санъати. Т; 1977. 28-б.
4. Асқарбек Акпаров. Фарғона водийси амалий санъати. Н.; 2007. 31-бет.